

## Махсулотлар етказиб бериш тугрисида

Амалдаги низом асосида иш курувчи кейинги уринларда «Етказиб берувчи» деб юритилувчи «Get Lucky» МЧЖ номидан иш курувчи раҳбар Сидикова Умида бир томондан ва амалдаги низом асосида иш курувчи кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи 4-ЕММИИнтернати раҳбари вазифасини бажарувчи У.Косимов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «Етказиб берувчи» мазкур шартнома буйича узаро келишилган микдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммасидаги махсулотларни тайёрлаб етказиб бериш «Буюртмачи» эса етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиб амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган ҳолда туловларни амалга ошириш мажбуриятини уз зиммасига олади.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартнома буйича етказиб бериладиган махсулотлар куйидагича.

Т/№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Шкаф	дона	20	1470000	29400000
	жами	0	20	1470000	29400000

Шартноманинг умумий баҳоси 29400000 (    йигирма туккиз миллион тўрт юз минг ) сум.

2.2. Ҳисоб-китоб «Буюртмачи» тамонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

2.3. Шартнома кучга кириб тегишли газначилик тизимида руйхатга олиниб, шахсий ҳисоб варақдаги маблағга асосан 5 банк иш кунида Буюртмачи етказиб бериладиган махсулотлар суммасининг 30 %ини яъни 8820000 (    саккиз миллион саккиз юз йигирма минг ) сумини «Етказиб берувчи» нинг ҳисоб варақига утказиб беради.

2.4. «Буюртмачи» қолган 70 % маблағни яъни 20580000 (    йигирма миллион беш юз саксон минг ) сумини «Етказиб берувчи» тамонидан таъминлаш мақсадида етказиб берилган махсулотларнинг ҳисоб варақ – фактуралари асосида 5 банк иш куни давомида утказиб беради.

2.5. «Буюртмачи» тамонидан 30% тулов амалга оширилгандан сунг «Етказиб берувчи» 5 банк иш куни давомида мазкур шартномада курсатилган микдорда ва нархларда Давлат стандарти талабларига жавоб берадиган махсулотларни «Буюртмачи»га етказиб беради.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Етказиб берувчи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Етказиб бериладиган махсулотлар учун олдиндан ҳақ туланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Буюртмачи» дан талаб қилади.

Махсулотларни мазкур шартномага асосан «Буюртмачи» нинг буюртмасига мувофиқ сифат ва микдорда муддатларида етказиб беради.

3.2. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

«Етказиб берувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртмага асосан тегишли сифат ва ассортиментдаги махсулотларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлигини ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплалишини «Етказиб берувчи» дан талаб қилиш;

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ



4.1. Шартнома шартлари амалдаги конун талаблариги мувофик зарур тарзда бажарилши шарт. Агар тамонлар уз зиммалариги кабул килинган барча мажбуриятларни бажарилишини таъминласа шартнома шартлари бажарилган хисобланади.

4.2. Шартнома шартларини бажарилишини бир тамонлама рад этилиши ёки узгартирилишига йул куйилмайди, конун хужжатларида белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. «Буюртмачи» муддатлар бузилган холда етказиб берилган махсулотларни кабул килишни рад этишга ҳақлидир.

4.4. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд махсулотларни тегишли туркумларини етказиб бериш санасини узгартиришга ҳақлидир, бу холда «Етказиб берувчи» ни буюртманомада сана бошланишидан 5 кун олдин хабардор килинади.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Махсулотларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб бермаган такдирда «Етказиб берувчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5% микдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулотлар кийматининг 50% идан ошмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган тамонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва махсулотларни етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тулик етказиб бермаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган махсулотлар учун уз вақтиди ҳақ туланмаганда «Буюртмачи» «Етказиб берувчи» га муддати кечиктирилган хар бир кун учун тулов суммасининг 0,4% и микдориди пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50% и микдоридан ортмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларни жавобгарлиги, чора тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кулланилади.

#### VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар низоли масалалар келиб чиққан такдирда томонлар койдага кура, мустикал равишда уларни судгача хал этиш чораларини курадилар.

6.2. Томонлар келишмовчилик ва низоларни хал этиш учун бевосита иктисодий ишлар буйича Андижон туманлараро судга муружат килишга ҳақлидир.

#### VII. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонларга боғлиқ булмаган ҳолатларда «енгин, сув тошқини ва шу каби бошқа ҳолатларда ҳам Ўзбекистон Президентининг фармонлари ва вазирлар маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли хужжатлар билан тасдиқланган такдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.

7.2. Юкоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

#### VIII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ КИЛИНИШИ.

8.1. Мазкур шартнома шартнома Буюртмачи ва Етказиб берувчи томонидан тасдиқланиб, газначилик бошқармасидан руйхатдан утганидан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал килади.

8.2. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартномани барча шартлари бажарилган ва ҳисоб китоб тулик тугалланган такдирда тухтатилади.

#### IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

9.1. Мазкур шартномага хар қандай узгартириш ва қушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг ҳуқуқий кучга эга.

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»  
Get Lucky

Андижон область

Андижон обод турмуш  
инн 309627232

x/p20208000905538782001

Банк Андижон шаҳар Чет эл капитали иштирокидаги  
Хамкор банк АТ. Банкнинг бош офиси мфо 00083

Рахбар. Сидикова Умида



«БУЮРТМАЧИ»

Хужаобод туман 4-ЁММИ

Манзил Имом ота мфй

x/p: 100021860032363092400075002

МФО: 00014

СТИР: 202044247

ОКОНХ: 92310

Директор

У. Косимов

